

## **ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ ЯНГИЧА ТАФАККУР, ИЖОДИЙ ФИКРЛОВЧИ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ**

**Носиров Р.О.,**  
ТДТрУ профессори

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада таълим муассасалари талабаларини янгича тафаккур, ижодий фикрловчи ва юксак маънавиятли қилиб тарбиялашнинг педагогик усуллари ҳамда ўқув машғулотларидаги асосий муаммолардан бири талабаларнинг дарс машғулотларида фаоллаштириши, назарий-амалий билимларни ўргатиши, диққатни жамлаш ва қўллаш усулларини эгаллашни яхшилашдан иборатлиги. Олий таълим тизимда инновацион методология орқали талабаларга билим бериши хусусиятлари кўрсатилиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *Замонавий талаблар, педагогик технология, методология, таълим-тарбия, методлари ва усуллар, интерфаол методлар, педагогика, инновацион технология, ўйин технологияси, миллий таълим.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье рассмотрены педагогические методы воспитания студентов общеобразовательных учреждений как мыслителей нового, креативного и высокодуховного мышления, а одной из основных задач на учебных занятиях является совершенствование усвоения студентами методов активизации, обучения теоретико-практическим знаниям, концентрации внимания. и приложение. Показаны особенности передачи знаний студентам через инновационную методику в системе высшего образования.*

**Ключевые слова:** *Современные требования, педагогические технологии, методика, обучение, методы и методы, интерактивные методы, педагогика, инновационные технологии, игровые технологии, народное образование.*

### **КИРИШ**

Инсон яралгандан буён, авлод - аждодлари кимлигини, насл- насабини, ўзи туғилиб ўсган юрт, ватанининг тарихини билишни истайди. Ваҳоланки, ҳар бир инсоннинг ўтмиши, келажаги тарихга боғлиқ. Шунингдек, шахс маънавий тарбиясида миллий ва тарихий онг, дунёқараш муҳим ўрин тутди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов: "Инсониятнинг кўп йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини егалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни енг буюк

бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади" дея таъкидлаган эди. Собиқ шўролар даврида бир қатор фанларда, жумладан, фалсафа, тил, адабиёт ва тарих фанларида турли камчиликларга йўл қўйилди. Натижада, бу фанларни ўзлаштириш, ўрганиш жараёнида кўплаб муаммолар пайдо бўлди. Ёшлар онгига миллий тарихдан кўра ўзга ғоя ва кадриятларнинг сингдирилиши тарихимизга бўлган қизиқишнинг сусайишига олиб келди. Асл тарихимиз ўқитилмаслиги оқибатида ўқувчилар онгида миллий тарихимиз билан боғлиқ бўшлиқ вужудга келди. Мана шу бўшлиқ айрим ёшларимизда тарихий онгнинг йўқолишига ва унинг ўрнини турли хил бегона ёт ғоя ва қарашлар егаллаб олишига сабаб бўлди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш учун замин яратди. Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда олий таълим муассасалари талабаларини янги тафаккурга эга, ижодий фикрловчи, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш ўқув муассасаларимиз олдида турган энг долзарб муаммолар сирасига киради. Бундай муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган самарали усуллар, воситалар ва уларни шакллантириш йўллари ҳам боғлиқ. Демак, таълим муассасаларида ёшларни мустақил ишлаш фаоллигини бошқаришда профессор-педагог томонидан таълим-тарбия жараёнини узлуксиз равишда барча босқичларда амалга оширишларига боғлиқ, дейиш мумкин. Бунинг учун таълим даргоҳларида мустақил ишлашга ўрганиш тарбиясини шакллантиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқ лозим. Педагогик таълим-тарбия тизимида ҳар бир фан талаба-ёшлар маънавиятини шакллантиришда маълум мақсадлар учун ўз таъсирини ўтказди. Талабаларни ахлоқ қоидалари, фанлар бўйича билимларни баҳолаш мезонлари, ички тартиб-қоидалари ва низомлари билан белгиланади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Педагогик жараённи ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар — Ўйинли педагогик технология» ни ташкил этади. Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади. Педагогик ўйинлар асосида талабаларнинг ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади. Г.К.Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий

йўналишлари ишлаб чиқилганини эътироф этмай бўлмайди. Олимнинг фикрига кўра, педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади: - дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади; - ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди; - ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади; - ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилганда мусобақалаш ишлари киритилади; - дидактик вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан бўлинилади. Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинган. Олий Олий таълим амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади. Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланган. Тадбиркорлик ўйинларини машҳур психологлар Л.С.Виготский, А.Н.Леонтев, Н.Й.Галперин ва бошқаларнинг ишларида назарий жиҳадан асосланган. Таълим жараёнида билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши даражасини назорат қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу хусусда, ўйин орқали оғзаки савол-жавоб усули анъанавий усуллардан бири ҳисобланади. Оғзаки савол-жавоб орқали ташкил қилинган ўйин технологияси талабаларни ҳозир жавобликка тайёрлайди. Оғзаки савол-жавоб орқали ташкил қилинган ўйин яқка ва ёпасига сўраш тарикасида амалга оширилади. Яқка талабадан сўралганда педагог талабага савол беради, унинг жавобларидан талаба материални қанчалик ўзлаштирилганлиги маълум бўлади. Бутун гуруҳ ёпасига сўралганда, педагог ўзаро мантиқий боғланган саволларни танлайди ва уларни бутун гуруҳ талабаларига ташлайди. Бундай ҳолатда талабаларнинг жавоб беришга фаоллиги аниқланади. Оғзаки савол-жавоб талабаларни сўзамолликка, аниқ сўзлар ишлатиб, мантиқий жавоб ахтаришга, шаклланиши билимни сўзларда ифодалашга ўргатади ҳамда оғзаки нутқ маданиятини ўстиради. Педагогнинг вазифаси, талабалар нутқидаги баъзи нуқсонларни усталик билан талабанинг иззат-нафсига дахл қилмасдан, камситишларсиз тўғрилашдан иборат. Бу ўйин тури талабаларда нутқ ўстириш мезонини тарбиялаш турига киради.

Методик кўрсатмаларда методология масалалари ва педагогик ўйинлар назариясига катта эътибор берилган. Педагогик ўйинли, мунозарали, муаммоли масалаларни ечиш амалий машғулотларда ҳар бир мавзу бўйича ўйин технологиялар асосида адабиётларда манбалар таклиф этилади. Биз талабаларга ўйин машғулотларини бажаришдан олдин қуйидаги амалларни бажаришни тавсия этамиз: • мавзу юзасидан зарурий адабиётларни тўплаш ва уларни ўрганиш; • фикрлаб, ўйлаб, ўйиннинг режасини тузиш; • асосий манбаларнинг

тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш; • адабиётларда кўриб чиқилган асосларни таққослаб улардан умумий ва хусусийларини ажратиш; • ўйинга тегишли кўرғазмаларни курулларни тайёрлаш, шахсий кузатишлар, тажриба ва ҳаётий моҳирликдан фойдаланиш. Таълим жараёнида ўтказиладиган ўйинлар талабаларнинг нафақат фанга нисбатан қизиқишини уйғотади, балки уларнинг миллий қадриятлар ва маданий-меросларимиздан фойдаланишнинг асосларини мукамал билиб олишга асос бўлади. Бу назария педагогик технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Тадқиқот методологияси. Педагогик технология шакллари, методлар, йўللари, усуллари, тарбиявий воситаларни, танлаб олиш ва жойлаштиришни, аниқловчи психологик-педагогик, кўрсатмаларнинг мажмуидан иборат [3]. Технологик тузилмаларнинг ёрдамида ўқув-тарбия ишининг биронта ёки бир нечта жабҳаларда талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини ўзлаштиришда самарали натижаларга эришиш таъминланади. Шундай қилиб, ўйин технологиясини ташкил қилишда профессор-педагоглар ва талабаларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ иши дастурлаштирилади. Ўйин технологияларининг бир неча модификациялари мавжуд: 1) Имитацион ўйинлар. Бундай ўйинлардан мақсад қайсидир ташкилот, муассаса ва унинг қисмлари фаолияти андаза қилинади. Воқеалар кишиларнинг бирон фаолияти ёки ҳолати намуна қилиб олиниши мумкин. Сценарийда бундай ўйнаш ёзиб чиқилади ва имитация қилинадиган объектлар ва жараёнлар белгиланади. 2) Операцион ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа-ҳодисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига мос моделлаштирилади.

3) Рол ижро этиш ўйинлари. Унда аниқ шахснинг хулқи хатти-харакати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машқ қилинади. 4) Тадбиркорлик театри. Бунда қандайдир вазият ва ундаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда мўлжални тўғри баҳолай олишни ўргатиш, ўзининг хулқига тўғри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мулоқот ўрната олишга ўргатишдир. 5) Ўйинга киришиш. Бу босқичда ўйин режаси аниқланади, машғулотнинг бош режаси белгиланиб олинади, машғулотнинг бош мақсади шакллантирилади, муаммони қўйиш ва вазиятни танлаш керак бўлади. 6) Ўтказиш босқичи. Бу ўйин жараёнидир. Ўйин бошлангач, ҳеч ким унга аралашмайди ва унинг боришини ўзгатира омайди. Ўйинни фақат уни бошқарувчи тузатиб бориши мумкин. 7) Таҳлил босқичи. Ўйин натижалари муҳокама қилинади ва баҳоланади. Бу босқичда экспертларнинг фикрлари

эшитилади, ўзаро фикр алмашинади, талабалар ўз хатти-ҳаракатлари ва хулосаларини ҳимоя қиладилар.

Ўйин технологияларидан фойдаланишнинг асосини талабаларни фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолият ташкил этади. Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра, меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор эгаллаш, ўзини-ўзи бошқариш ва шунингдек, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади. Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади. Ўйин ҳиссий кўтаринкиликка хосдир. У ўзаро кураш, мусобақалаш, рақобат шаклида намоён бўлади. Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантиқий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга алоқадор қоидалар бўлишини кўрсатади. Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар. Ўйин фаолият сифатида мақсаднинг белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади. Ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади. Ўйин фаолиятини мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалаш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларни қондиришдан келиб чиқади. Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларида қўлланилади. Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятда билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Ўйиннинг тарбиявий мақсади эса мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаиназарлар, маънавий-эстетик дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоага кириб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади. Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар, диққат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, чоғиштириш, ўхшашни топиш, фараз, хаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган.

Хулоса ва таклифлар. Кейинги вақтларда педагогикада тадқиқотнинг янги йўналишини ўқитишнинг ўйин шакли қарор топа бошлади. Ҳозирги замон



таълим амалиёти учун ўйин асосида қурилган дарслар, аввало, ўқув жараёнини фаоллаштириш учун муҳимдир. Ўйинли вазиятлар талабаларни шартли, қизиқарли, овунчоқлик фаолиятига жалб этади. У мазмунида ўзлаштираётган билимлар, малакалар ва кўникмаларни мужассамлаштирилган ўйинлар талабанинг руҳиятига кучли таъсир этади. Ўйинлар билим эгаллашда, эмоционал кўтаринки ҳолатни юзага келтиради. Таълим орқали ўқитиш технологиясида педагогнинг вазифалари қуйидагилар: - аниқ материалда иллюстрация вазиятлар ёки муаммоли вазиятларни танлаб олиш; - дидактик материаллар танлаш, ҳар бир талаба учун карточка, топшириқлар тузиш; - талабаларнинг кичик гуруҳини танлаш (3-4 кишилик гуруҳ); - масала (муаммо) қўйиш токи бунда гуруҳлар ўз нуқтаи назарини айтсин. - кутиладиган жавоблар ва эътирозларни ўйлаш; - педагогнинг доимо талабаларга ўз қизиқишини намоён этиши; - талабалар бир неча гуруҳларга бўлиниб, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифаларини аниқ билиши керак. Ўйиннинг вақти чекланган бўлиши, у яқунлангач эса ўйин натижаларини албатта кўришимиз мумкин. Таълим жараёнида талабаларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишга қизиқишларини ошириш қуйидаги муҳим натижаларга олиб келади: Ўқув-тарбия жараёни фаоллашган, таълим самарадорлиги ошади; Ахборотни турли шаклда (овоз, матн, видео, графика, анимация, ўйин ёрдамида) берилиши талабаларнинг диққатини тортади, юқори даражадаги кўрғазмалилик талабаларда катта қизиқиш уйғотади, мавзунинг узоқ вақт хотирада саланишини таъминлайди; Табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган таълимни амалга оширишга имкон беради. Ўқувчиларнинг интеллекти билан боғлиқликда индивидуаллаштирилган тарздаги ўқув материалларини, ўқув топшириқларини таклиф этиш имконияти юзага келади; Талаба дарс давомида суст тингловчидан фаол иштирокчига мулоқотга кириша оладиган, ҳамкорга айланади; Мустақил таълим олиш имконияти, соҳалари кенгаяди, мустақил таълим маданияти ривожланади; педагог томонидан бажарилган кўпгина ташкилий вазифаларни компьютер ёрдамида амалга оширилади. Натижада вақт танқислиги муаммоси сезиларли камаяди. Педагог дарсда интерфаол методларни қўллаб, индивидуал, гуруҳий ва жамоавий ўқув ишларини олиб боради; Дарс давомида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони кескин ортади. Машқларни танлаш оддийдан мураккаблик тамойилига асосланади; Ўйинли технологиялар, ролли технологиялардан фойдаланиш имконияти ортади. Ўйин иштирокчиларининг ўйин давомида ўзи ўйнаган ролларига баҳо бериш, ўз-ўзини назорат қилиш имконияти туғилади. Шундай қилиб, ўйинларни, материалларни, янги билимларни эгаллаши, ўтилганларни

мустаҳкамлаш, ижобий қобилиятларни ривожлантириш каби бир қатор вазифалар ўз ечимини топади деб ҳисоблаймиз.

## REFERENCES

1. Adilovich, N. R. (2022). THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL.
2. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
3. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 86-88.
4. Носиров Р. А. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 198-202.
5. Adilovich, Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." *European Journal of Molecular and Clinical Medicine* 8.1 (2021): 1388-1396.
6. Nosirov R. A. EDUCATIONAL PROBLEMS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 82-85.
7. Adilovich, N. R., Sharifovna, Y. N., Upashevna, A. L., Vladimirovna, T. S., & Juraevna, N. N. (2020). THE PHENOMENON OF FRIENDSHIP IN THE SOCIAL VIEWS OF EASTERN THINKERS. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 4695-4698.
8. Носиров Рашод Адилевич, & Темирова Светлана Владимировна (2021). ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ МЫСЛИТЕЛЕЙ СРЕДНЕЙ АЗИИ. *Достижения науки и образования*, (2 (74)), 4-5.9.
9. Носиров Рашод Адилевич, & Темирова Светлана Владимировна (2021). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ТРАНСПОРТНОГО СООБЩЕНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ. *Научный журнал*, (1 (56)), 17-19.
9. Svetlana Vladimirovna Temirova. (2021). NEW UZBEKISTAN: FROM NATIONAL RECONSTRUCTION TO NATIONAL GROWTH. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(04), 93–96. Retrieved from <https://it.academiascience.org/index.php/it/article/view/36>
10. Svetlana Vladimirovna Temirova, & Nilufar Jo‘Rayevna Nazarova (2022). SIYOSIY DEMOKRATIK DAVLAT BARPO ETISHNING HUQUQIY

ASOSLARI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 2), 357-360.

11. Rashod Odilovich Nosirov, & Svetlana Vladimirovna Temirova (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO'NALISHI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 2), 242-248.

12. Рўзигул Умарова, Жўрабоев Н.Ю, Собирова С.Т, Темирова С.В, & Рахимова М.И. (2022). ИНСОННИНГ ТАБИЙ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ МАФКУРАСИ ТАХЛИЛИ . *Uzbek Scholar Journal*, 9, 125–127. Retrieved from <https://www.uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/280>

13. Nosirov, R. A., & Temirova, S. V. (2022). JAMIYAT HAYOTIDA KONSTITUTSIYANING O'RNI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 249-252.

14. М.Н.Хасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>

15. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.

16. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.

17. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.